

Хусусийлаштириш жараёни: муаммо ва ечимлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
қошидаги Фан ва технологиялар маркази

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

«Akademiya» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»
Тошкент 2005

Э
85

Матн муаллифлари:

О.Ахмедов, Б.Беркинов,

Д.Рахимова, Р.Ҳасанов

Мазкур рисола давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш, унинг миқёсини кенгайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларига қўшимча кафолат ва имтиёзлар тизимини яратиш борасида илгари сурган амалий таклиф ва тавсияларининг таҳлилига бағишланган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: **Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.**

SamISI
Inv № 437045

© «Akademiya» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари
миллий жамияти нашриёти»

Кириш

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида **"Биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз.**

Тадбиркорлик фаолиятига нисбатан нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди"[1], деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини амалда таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг қулай иқтисодий шарт-шароитларини шакллантиришга доир меъёрий ҳужжатларини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинди Бутун бу саъй-ҳаракатлар амалий самара бера бошлади. Чунончи, хусусий мулк миқёси тобора кенгайиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мазкур рисолада Президентимиз томонидан илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тармоқни ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни жадал ривожлантириш масалалари ҳақида сўз боради.

Хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш ва хусусий мулк миқёсини кенгайтириш

Мустақиллигимизнинг 14 йили давомида жамғарилган хусусий капитал ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Давлат мулкини хусусийлаштириш, даромадларнинг капиталлашуви ва хусусий капитал ривожи учун берилган кредитлар ҳисобидан миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот)даги улуши 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил этди. **«Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилиб, 2003 йилга нисбатан 14 фоизга кўпайди»**[2].

Хусусийлаштириш жараёни бозор турларининг ривожланиб боришини таъминлаши билан бир вақтда, бозор иштирокчиларининг турли соҳаларга ихтисослашиб боришига, тадбиркорлар қатламини қарор топишига олиб келди. Натижада, бошқа мулк шакллари билан бирга, хусусий мулкдорлар синфи вужудга келди. Ҳозирда улар иқтисодий соҳада ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Хусусийлаштириш жараёнларининг дастлабки даврларида, «кичик хусусийлаштириш», яъни давлатга қарашли бўлган савдо, маиший хизмат ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирилган бўлса, кейинги даврларда давлат улуши юқори бўлган йирик корхоналар хусусийлаштириш объектига айланди. 2003 йилда 1407 корхонанинг мулкчилик шаклини ўзгартириш кўзда тутилган бўлсада, амалда 1519 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди. Бу даврда, асосан, йирик корхоналарни хусусийлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Агарда 1995 йили миллий иқтисодиётда хусусий сектор улуши 56,0 фоиз бўлса, бу кўрсаткич 2003 йили 74,5 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги даврга келиб, хусусийлаштириш жараёни таъсирида хусусий тадбиркорлар қатлами кенгайиб бормоқда.

Натижада кичик ва ўрта тадбиркорлик доирасида олинган даромадлар тез ўсиб, у фақат иш ҳақи билан чекланмай, қўшимча пул тўловлари, натурал шаклдаги даромадлардан ташкил топмоқда. Жами пул даромадлари таркибида тадбиркорлик даромадининг салмоғи кейинги йилларда 6 марта ошди, ҳозир у жами даромадларнинг 1/4 қисмидан ортиб кетди.

Тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, хусусий секторнинг ривожига тўсқинлик қилаётган айрим ҳолатлар ҳам мавжудлигини эътироф этишимиз керак. Булар:

1. Назорат қилувчи органларнинг хусусий тадбиркорлар фаолиятига ноўрин аралашуви;

2. Иқтисодий эркинликнинг етарли даража эмаслиги;

3. Норматив ҳужжатларнинг тез ўзгарилиши натижасида иқтисодий «ўйин» қоидаларининг ўзгариб туриши;

4. Иқтисодий маълумотларнинг етишмаслиги ёки уларни олишдаги қийинчиликлар;

5. Соғлом рақобат муҳитининг етарли ривожланмаганлиги.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхонада қилинган меҳнат ҳажми тўғридан-тўғри даромад олиш кафолатини бермайди. Яъни меҳнат фаолиятининг натижалари бозорда тан олиниши ва истеъмолчилар талабини қондира олишига қараб ёлланиб ишловчининг даромад миқдори аниқланади. Агар миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнат қилувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2003 *йил маълумотларига кўра 45 минг сўмни ташкил қилган* бўлса, хусусий корхоналар ишчиларининг ўртача иш ҳақи 86,7 минг сўмни ташкил этган. Айрим хусусий корхоналарда бу кўрсаткич янада юқори. Бу эса хусусий корхоналар бозорга қараб иқтисодий фаолият юритишларидан, унда меҳнат қилишнинг афзаллигидан, уларда шахсий манфаатлар тўлароқ ҳимоя қилиниши ва қондирилишидан дало-

лат беради. Шунинг учун аҳолининг кўпчилигида юқори иш ҳақи берувчи хусусий корхоналарда меҳнат қилиш иштиёқи кучли бўлмоқда. Хусусий корхоналарда иш ҳақининг юқори бўлиши хусусий мулкдор ва тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати натижаси бўлиб, бунда ҳам мулкдор, ҳам ёлланиб ишловчининг даромад топишдаги қизиқиши бирикади.

Хусусий корхоналарда иш ҳақининг юқори бўлиши ва тез ўсишига бир қанча омиллар таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийси ишчилар малакаси ва меҳнат унумдорлигининг юқорилиги ҳамда меҳнат интенсивлигининг жадаллиги билан белгиланади. Муҳим томони шундаки, хусусий мулкдор ва ёлланиб ишловчиларнинг асосий қисми юқори малакали, ўз ишини яхши биладиган меҳнаткашлардан ташкил топган. Чунки хусусий корхонани ташкил этувчилар ўзаро манфаатлари бирлиги ва бу манфаатни ҳимоя қилиш учун онгли равишда бириккан, ўз ишини мукаммал бўладиган юқори савияли кишилардан иборат бўлади.

Ҳаётий тажриба хусусий тадбиркорлик кўламидаги ишлаб чиқариш ҳам ўз афзалликларига эга эканлигини тасдиқламоқда. Бунга қуйидагилар асос бўла олади:

1. Ҳозирги даврда минитехнологиялар етарлича ривожланган, улар меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозордаги рақобатга дош бериш имкониятига эга.

2. Хусусий тадбиркорлик соҳасида катта миқдордаги капитал инвестициялар талаб қилинмайди, улар тижорат банклари, кредит уюшмалари ва лизинг компаниялари билан ҳамкор бўлиб фаолият юритишлари мумкин.

3. Хусусий тадбиркорлар одатда маҳаллий бозорга ёки миллий иқтисодиётдаги йирик компаниялар буюртмаларини бажариш сабабли бозорга талабларига тез мослаша олади.

4. Хусусий тадбиркорликда товарлар нисбатан арзонга

сотилиб, ҳалол даромадга эга бўлиш, даромад манбаларини излаб топишга интилиши ва унинг эркин рақобатли бозорнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши тараққиёт омилига айланади.

Хусусий корхоналар ўз маблағи ва имкониятлари ҳисобига фаолият юритганлари учун ҳам қарамлик кайфияти мутлақо инкор қилинади. Шунинг учун улар ишлаб чиқаришни тез ташкил қилиш ва бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга интилади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши хусусий мулк мавқеи ва таъсир доирасининг кенгайишини таъминлайди. Хусусий мулкнинг бозордаги иштироки ва, пировард натижада, даромад ҳосил бўлиши бозор қоидалари доирасида содир бўлади. Муҳими, хусусий тадбиркорлар бозорбоп товарлар ва хизматларни яратиб, мавжуд талабни қондиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Хусусий мулкнинг мавжудлиги бозор иқтисодиёти яратиб берган имкониятлардан ва афзалликлардан фойдаланиш, бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг талаби доирасида эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш учун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали механизмини шакллантиради. Хусусий мулкнинг мавқеи соғлом рақобат муҳитини қарор топиши ва ривожланиши билан белгиланади ҳамда ижтимоий адолат мезонларини тўлақонли амал қилишини таъминлаши билан бирга, мулк самарасига нисбатан фойда олиш ва меҳнат натижаларига мувофиқ даромадларга эга бўлишни кафолатлайди.

Хусусий мулкдор ўз мулкини самарали ишлатишдан манфаатдор бўлса, ёлланиб ишловчилар меҳнат натижаларининг бозорда тан олинишидан иқтисодий жиҳатдан манфаатдордир. Демак, хусусий мулк доирасида иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида даромад то-

пишга интилишнинг иқтисодий шакли сифатида юзага чиқади.

Албатта, бозор муносабатлари силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил шаклланиб, реал ҳаётий вазиятга мослашиб бориши керак. Айни бир вақтда, иқтисодиётда хусусий мулк таъсири кўчайиб, у иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилига айланиши зарур. Хусусий мулк мавқеини янада ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Эркин иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этиш орқали очиқ иқтисодий муҳитни қарор топтириш.

2. Маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минитехнологияларни кенг жорий этиш учун хусусий тадбиркорликнинг ихчам шаклларини ривожлантириш ва бунинг учун давлат кўмагини кучайтириш.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат товарлари нархларининг шаклланишида маълум нисбатни таъминлаш.

5. Фаолият натижаларидан олинадиган даромаднинг эркинлиги ва уни мустақил ўзлаштиришни таъминлаш.

Хусусий секторда шахсий манфаат ва жавобгарликнинг юқорилиги туфайли меҳнат унумдорлиги ва даромадларни ошириш учун рағбатлантирувчи кучли механизм яратилган. Хусусий мулк эгаси ва ёлланма ишчилар бозор қоидаларига биноан ишлаб, фаолият натижаларидан олинадиган даромадлар даражасини ўстириш имкониятларини кенгайтириб, муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун ўзлари жавобгар эканликларини ҳис қилмоқда.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш ва маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш

Ўзбекистонда сўнгги ўн йил давомида юз берган кенг кўламли ўзгаришлар иқтисодий муносабатларга мос янги давлат бошқаруви тизимини яратишни тақозо этди. Бу жараён изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кўпгина соҳалар бўйича давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Маъмурий ислоҳотларнинг муҳим шарти — давлатнинг хўжалик ишларида бевосита иштирок этишини изчил қисқартириб боришдан иборат.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган маъмурий ислоҳотлар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда, тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг самарадорлигига боғлиқ. Улкан бюрократик аппарат ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислоҳотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саъй-ҳаракатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимни ислоҳ қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур. Юртбошимиз қайд этганидек, маъмурий тизимда ислоҳотларни амалга ошириш пайти келди ва уларни зудлик билан бажариш зарур. Бусиз чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари бу борадаги муаммоларни ҳал этишни назарда тутиб, Ўзбекистондаги маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бўлажак туб ўзгаришларнинг моҳияти нимада?

Биринчидан, бу — иқтисодиётни бошқаришда давлат ролининг кескин қисқариши, давлат тузилмаларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйишдир. Давлат зиммасида унинг фаол иштирокисиз амалга ошмайдиган вазифаларгина қолади. Булар, энг аввало, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалалар, хусусан, макроиқтисодий барқарорлик, ислоҳотлар дастурларини ҳамда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ижтимоий соҳада, коммуникациялар тизимида устувор дастурларни амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказо.

Иккинчидан, бу — республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши демакдир. Вазифаларнинг бу тарзда тақсимланиши, бир томондан, маҳаллий органларнинг белгиланган вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади (аввало, бандлик, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга тааллуқлидир), иккинчи томондан, уларнинг самарадорлигини кучайтиради, зеро ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олади. Масалан, кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш вазифасининг давлат органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши халқаро миқёсда тан олинган. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кимнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож эканлигини яхшироқ билади.

Учинчидан, бу —бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг такрорланишига барҳам бериш, корхоналар фаолиятини асоссиз назорат қилинишига чек қўйиш, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳалал берувчи маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнини якунлашдир.

Тўртинчидан, бу — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражагача қисқартирилиши демакдир.

Бешинчидан, бу — ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, замонавий маъмурий-ҳуқуқий база яратиш, ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислоҳ қилишдир.

Ўтказилаётган ислоҳотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибини қайта кўриб чиқиш ишлари жадаллашди. Бунда бошқарув тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратига сарфланаётган асоссиз харажатларни қисқартиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, марказда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи одатда вилоятлар ва туманларда ўз бўлинмасига эга бўлади, бу эса бошқарув аппаратининг ва техник ходимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бу ҳол қўшимча назорат органлари пайдо бўлишига, харажатлар кўлами ортишига, бюрократизм-

нинг авж олишига олиб келади. Натижада, давлат бошқарувининг самарадорлиги кескин пасайиб кетади.

Ислоҳотларнинг асосини ташкил этувчи иқтисодиётни бошқаришнинг янги концепциясини вертикал маъмурий тузилмаларни аниқ вазифаларни бажарувчи мустақил ташкилотларнинг горизонтал тармоғи билан мувофиқлаштирилишини тақозо этади. Бундай вазиятда шартнома асосида бошқариш, ички ва ташқи аудит каби механизмлар яратилади. Давлат сиёсатини шакллантириш масалалари вазирликлар ва давлат қўмиталарида жамланади.

Уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш агентлик, қўмита, инспекция каби давлат бошқарув органлари зиммасига юкланади.

Давлат секторида хорижда тажрибадан ўтказилган, хусусий компанияларда қўлланиладиган менежмент усуллари тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Бунда асосий эътибор давлат тузилмаларининг таҳлилий, ва баҳолаш вазифаларини ривожлантиришга, энг муҳими — қарорлар қабул қилиш, аввало, марказий бошқарув органларида қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва уларнинг тайёрланишини яхшилашга қаратилади.

Бошқарув таркибини такомиллаштиришга нисбатан бундай ёндашувга мисол тариқасида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг иккита мустақил давлат бошқарув органи - Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика давлат қўмитасига айлантирилганини, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясидаги ва бошқа давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларидаги ташкилий ўзгаришларни келтириш мумкин.

Шунингдек, туманлар бошқаруви таркибини оптималлаштириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис ва республика ҳукумати қарорларига кўра 2003-2004 йилларнинг ўзида 8 та маъмурий туман ҳокимлиги ва уларнинг қуйи ташкилотлари тугатил-

ди. Ушбу маъмурий туманларнинг бирлаштирилиши, ортиқча ҳудудий бошқарув тизимлари ва уларнинг қуйи ташкилотларининг тугатилиши ярим миллиард сўмни тежаш, бу маблағни мазкур туманларнинг ижтимоий соҳаларини ривожлантиришга сарфлаш имконини берди.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва уларга кенг ҳуқуқий кафолатлар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар сонини мунтазам қисқартириш бўйича доимий иш олиб борилмоқда. Жумладан, ҳукуматнинг қатор махсус қарорлари бугунги кунда иқтисодий фаолият субъектлари хўжалик ишларига давлат органлари аралашувини сезиларли даражада чеклади, натижада хўжалик субъектларини давлат назорат органлари томонидан текширишлар бир неча баробар камайди.

Илгари давлат томонидан фонд сифатида ажратилган пахта толаси, 2004 йилдан ёқилғи ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли ва қора металлар, ўсимлик ёғи, ғалла, ун, шакар каби хомашё ва моддий ресурсларни лимит тариқасида тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам бериш якунланди. Энди тадбиркорлар бу ресурсларни биржа ва ярмарка савдоси орқали харид қилади, бу эса турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни тенг шароитда ишлаши учун имкон яратади.

Ҳукумат қарорларига мувофиқ, машинасозлик, агросаноат мажмуи, умумий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва савдо соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини бажараётган 50 дан ортиқ республика даражасидаги вазирликлар ва идоралар бутунлай қайта ташкил этилди. Дастлаб маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётининг асосини ташкил этган идоралар (Давлат план қўмитаси (Госплан), Давлат таъминоти (Госснаб), Давлат нарх қўмитаси ва б.) тугатилди. Вазир-

ликлардан фақат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тармоқ йўналишини сақлаб қолди. Айни пайтда хўжалик бирлашмалари, концернлар, компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмалар ташкил этилди.

Ташкил этилган хўжалик бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми турлича бўлишига қарамай, улар аксарият холларда бир-бирига ўхшаш вазифаларни бажаради. Бу бирлашмалар ҳам бюджет, ҳам нобюджет манбаларидан аралаш ҳолда молияланштирилади. Хўжалик бошқаруви органларининг бюджет тизимини яратиш хусусийлаштиришни ўтказиш даврида халқ хўжалигининг бошқарувчанлигини сақлаб қолиш, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши билан боғлиқ бўлган салбий ижтимоий оқибатларга йўл қўймаслик зарурати билан боғлиқ эди. Амалиёт кўрсатганидек, ижтимоий ислоҳотлар борасидаги танланган йўл тўғри бўлиб чиқди.

Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш доирасида, бошқарувнинг ортиқча бўғинлари сифатида «Ўзпарранда-саноат», «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзбалиқ», «Ўзқишлоқ-кимё», «Ўзқоғозсаноат», «Ўзмашсаноат» уюшмалари ва бошқалар тугатилди, айни пайтда, бу тармоқларни ривожлантириш стратегиясини белгилаш вазифалари маҳаллий органларга берилди. Ҳудудий даражада ҳам бир-бирини такрорлайдиган самарасиз тузилмаларни тугатиш ва ўзгартириш бўйича шундай ишлар олиб борилмоқда. 2003 йил ва 2004 йилнинг бошида ҳукумат томонидан республиканинг барча вазирлик ва идоралари ташкилий тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди ва уларнинг вазифалари аниқлаштирилди. Уларнинг зиммасидан бозор иқтисодиётини бошқариш тамойилларига зид вазифалар олиб ташланди.

Маъмурий ислоҳотлар жараёнида 20 га яқин давлат бошқаруви органи қайта ташкил этилди ва 40 мингдан ортиқ штат бирлиги тугатилди ёки давлат бошқарув тизими хо-

димлари сони 22 фоизга қисқартирилди. Бошқарув аппарати сони ва унинг таъминоти харажатларининг қисқариши маъмурий ислоҳотнинг амалий натижаси бўлди. Бу харажатлар салмоғини қисқартириш, демакки, корхоналар ва аҳолининг зиммасига тушадиган солиқ юкини камайтиришга имконият яратади. Ҳукумат томонидан бошқарув аппаратини қисқартириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар 2004 йилда 40,5 миллиард сўм маблағни тежаш имконини берди.

Айни пайтда, бошқарувчи кадрларнинг сони ҳар минг кишига 6,1 кишини ташкил этади ёки ижтимоий фойдали меҳнат билан банд аҳолининг 1,6 фоизидан ошмайди. Бу МДҲнинг бошқа мамлакатларидагидан анча кам. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтириш мумкин: Қозоғистонда - 19,2 ва 3,4, Украинада - 20 ва 4,5, Россияда - 22,1 ва 3,9.

Россияда давлат аппаратини қисқартириш бўйича саъй-ҳаракатларга қарамай, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ходимларининг сони сўнгги уч йилда 1141 мингдан 1259 мингга кўпайди. Айни пайтда, мустақил ахборот манбаларининг хабар беришича, 20 фоизга яқин амалдорлар зарур касбий маълумотга эга эмас.

Таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда, сунъий равишда кенгайиб кетган бюрократик аппаратни қисқартиришга қаратилган маъмурий ислоҳотни амалга ошириш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Шимолий Американинг баъзи мамлакатларида иш билан банд аҳолининг умумий сонида бошқарув тизими ходимларининг салмоғи 2 фоиздан 15 фоизгача етади: АҚШда — 15, Швецияда — 18, Буюк Британияда — 14, Германияда — 6,7, Польшада — 5,8, Туркияда — 6,3, Японияда — 3,2, Жанубий Кореяда — 2,3 фоиз.

Жанубий Кореяда 1993 йилда бошланган ва «инқилобий» деб аталган маъмурий ислоҳот 10000 амалдорни бошқа агентликларга ўтказиш имконини берди.

Маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш статистик ҳисоботни йиғиш вазифалари ва давлат бошқарувининг тегишли аппарати сонини қисқартириш ҳамда статистик ҳисоботнинг муайян турлари бўйича даврийликни қисқартириш, айни пайтда сақлаб қолинаётган ҳисобот тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштиришни кўзда тутади. 2003 йилда Ўзбекистонда идоравий статистик ҳисобот рўйхати ва мазмуни қишлоқ хўжалик ширкатлари учун 60 фоиздан ортиқ, саноатда учдан бирига, кичик ва хусусий тадбиркорликда 35 фоиздан кўпроқ қисқарди.

Бошқарув ходимлари сонини қисқартириш ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш жараёни лавозимида қолган ходимлар зиммасига қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси устидан амалий назоратни таъминлаш борасида юксак талаблар қўяди.

Маъмурий ислоҳот давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимларининг профессионал маҳоратларини оширишни, уларни танлаш, тайёрлаш ва давлат аппаратининг мавжуд ҳолати ҳамда истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Фақат малакали, ўз ишига содиқ ходимгина бугунги шароитда миллионлаб одамларнинг манфаати ва тақдирига даҳлдор бошқарувчилик фаолиятига қўйилиши мумкин. Шу боис давлат хизматини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва улардан тўғри фойдаланишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим масала — уларга профессионал салоҳиятини намоён қилиш, хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариш учун зарур шароит яратишдан иборат. Фақат шундагина давлат ҳокимияти органлари самарали ишлаши ва кутилган натижага эришишга умид қилиш мумкин.

Айни шу мақсадда Ўзбекистонда Давлат ва жамият қурилиши академияси, Олий бизнес мактаби ташкил этилган. Улар ҳар йили давлат ва хўжалик бошқаруви соҳаларида ишлаш учун ўнлаб юқори малакали раҳбар ходимлар тайёрлайди.

Асосий мақсадга эришишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдир. Бу маъмурий ислоҳотни амалга оширишни тегишли ҳуқуқий муҳит билан мослаштириш имконини беради.

Ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ва иш самарадорлигини ошириш давлат органлари ўртасида вертикал ва горизонтал ахборот алмашинишнинг электрон каналларини шакллантиришни ниҳоясига етказади. Яъни, хўжалик субъектларидан давлат органларига — статистик ахборот, сўровлар ва ҳоказо; давлат органларидан хўжалик субъектларига, аҳолига — ҳуқуқий, статистик ахборот, электрон шаклдаги турли бланкалар ва формаларни тақдим этиш хизматларини кўрсатиш учун шароит яратади.

Энг замонавий бошқарув технологияларини жорий этиш маълумотлар алмашиш ва қарор қабул қилишни тезлаштириш имконини беради, давлат бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилайди.

Амалда маъмурий ислоҳотни самарадорлигини ошириш фуқаролар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки у, аввало, иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш учун шароит яратишга, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Давлат ва хўжалик бошқаруви тизими функциясини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифати ва изчиллиги бошқарув тизимининг самарадорлик даражасига, уни жамиятни ислоҳ қилишнинг бугунги талабларга мослаштирилиш

SamISI
Inv № 437045

Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўналишлари ҳақида тўхталиб, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш муҳим устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва шарт-шароитлар яратиб бериш асосида 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди[2].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлаб жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириб, ривожлантириш ва шу асосда одамларда мулкдорлик туйғусини уйғотишга жиддий эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, юқори ликвидли маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни очиқ биржа савдоларида сотишни ташкил этиш, янги тузилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сертификатлашга доир қарорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга кенг имкониятлар очиб берди.

Кичик бизнесни равнақ топишини рағбатлантириш ва тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида давлат бошқарув органлари билан бир қаторда нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳам фаолият олиб бормоқда. Улар кичик корхоналар ва якка тадбиркорларга амалий ёрдам

бериш, жамиятда тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш ва ривожланишини қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг бунёдкорлик ҳаракатлари мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Энг асосийси — кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлик тусини олди. Эркин иқтисодиётнинг синалган тамойилларига изчил амал қилиниши натижасида тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ошди. Пировардида, кичик бизнеснинг шакллари кенгайиб, аҳолининг мулкка эгалик туйғуси уйғона бошлади. Бу ҳол кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига кенг йўл очиб бермоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш жараёни қандай кечаётганини англаш учун Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижаларини акс эттирувчи маълумотларнинг таҳлилига эътибор қаратишимиз лозим.

Маълумки, кичик бизнеснинг ривожланиш даражаси уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга бевосита боғликдир. Бу соҳада тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлар, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари асосий манба ҳисобланади. Бу хилдаги маблағларни ўзлаштириш учун республикамизда кенг имкониятлар яратилган.

Ўтган 2000–2003 йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан жами 601,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратган. Бу кўрсаткич 2000 йилда 91,8 млрд. сўмни, 2003 йил якунлари бўйича ажратилган кредитлар ҳажми 189,5 млрд. сўмни ташкил этган. Шу даврда кичик бизнес корхоналарига кредитлар бериш 2,1 мартага ошган. Шу билан бирга, нобюджет фондлари

томонидан ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2000 йилда бу манбадан 4,7 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 20,6 млрд. сўмни, ўсиш даражаси 4,4 мартани ташкил этди. Ўтган 2004 йилда тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кичик бизнесни ривожлантиришга 257,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 23,2 фоизга юқори.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг бандликка кўмаклашиш фонди оилавий бизнесни ривожлантириш учун 2,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажраттан. Эндигина ўз ишини бошлаётган тадбиркорларнинг дастлабки капиталини шакллантириш учун «Тадбиркорбанк» томонидан 900 млн. сўм, техника ва технологиялар лизинги учун 230 млн. сўм пул маблағлари йўналтирилган.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 2002 йилда 81,0 млн., 2003 йилда 85,1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 91,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик даврида кичик бизнесни ривожлантириш учун 729,6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилган бўлиб, улардан 414,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ўзлаштирилди. 2004 йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаш учун белгиланган 31,8 млн. АҚШ доллари ўрнига 36,2 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди (прогноз кўрсаткичи 113,8 фоизга бажарилди).

Биржа савдолари орқали кичик бизнес субъектларига 2002 йилда 187,2 млрд. сўмлик, 2003 йилда 178,4 млрд. сўмлик товар хомашё ресурслари етказиб берилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 202,3 млрд. сўмни, шундан товар хомашё биржа савдолари орқали юқори ликвидли маҳсулот-

лар сотиш 185,8 млрд. сўмни ташкил этди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектларининг 161,4 млрд. сўмлик маҳсулотлари сотилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни информацион жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича республикада кенг тармоқли тизим ишлаб турибди. Бу тизимларда 2004 йилда 44,3 мингдан зиёд киши тадбиркорлик асослари бўйича қайта тайёргарликдан ўтди, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси қошидаги ахборот-маслаҳат марказлари томонидан 31,3 минг киши ўқитилди.

Республика иқтисодиётининг асосий тармоқ ва соҳаларидаги кичик бизнеснинг улушида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. 2004 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатга кўра, кичик бизнес корхоналарининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улуши 51, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 13,4, саноатда 9,3, улгуржи савдода 5,7, қурилиш соҳасида 4,9, соғлиқни сақлаш соҳасида 1,7, бошқа тармоқларда эса 14 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги салмоғи кескин ошди. Буни қуйидагилардан кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг дастлабки 1991 йилида хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1,5 % ни ташкил этган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулайликлар яратилиши натижасида бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб борди ва кейинги 5 йилда бу кўрсаткич 31 % дан (2000 й.) 37,1 % гача (2004 й.) ўсди.

Республикада рўйхатдан ўтказилган кичик бизнес корхоналарининг сони 2002 йилда 239,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2003 йил якунида 264 мингтани ва 2004 йил охирига

келиб қарийб 277,4 мингтани ташкил этди. Уларнинг 100,2 мингтаси ёки 36 фоизи «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун талабига мос келувчи хусусий корхоналардир. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг 237,5 мингтаси ёки 85,6 фоизи фаолият кўрсатаётган корхоналардир.

Ўтган 2004 йилда 14,6 мингта янги фермер хўжаликлари ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 102,2 мингтага етди. Уларга ажратиб берилган ер майдони 2,8 млн. гектардан ошди.

Хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш йўналишларидан бири бу — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобланади. Агар 2000 йилда хусусийлаштириш асосида атиги 103 та кичик тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 981 тани ташкил этди. Ўтган 2004 йилнинг ярим йили даврида 545 та хусусий мулкка асосланган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юрита бошлаган бўлса, йил якуни бўйича бу кўрсаткич 1300 тани ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 2002 йилда 369,3 минг, 2003 йилда 375,4 минг янги ишчи ўринлари ташкил этилган бўлса, 2004 йилга келиб 427,6 мингта янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Ҳар 1000 та аҳолига тўғри келадиган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 2002 йилда 8,6 та ва 2003 йилда 9,0 тадан иборат бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 9,3 тани ташкил этмоқда.

Кичик бизнесни янада ривожлантириш борасида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш учун қуйидаги қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилиши лозим:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошкора, соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда, бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларида касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Бундай тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда кичик бизнесни янги ривожланиш поғонасига кўтариши баробарида, бу соҳани аҳолининг асосий даромад манбаларидан бирига айлантириш имкониятини беради.

Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолисини тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш, оила даромадларини кўпайтириш ва пировардида, аграр соҳа самарадорлигини ошириш ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг самарали шакли сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган. 1993 йилда "Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан республикада 7,6 мингта фермер хўжалиги рўйхатга олинди. Икки йилда уларнинг сони 14 мингтага етди, уларга 193 минг га ер ажратилди. 1995 йилдан 1997 йилгача мамлакатда фермер хўжаликларини ташкил этиш суръатлари бироз пасайди, ушбу даврда факат 7,2 мингта фермер хўжаликлари ташкил этилди.

1998 йилда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги янги Қо-

нун қабул қилиниши билан Фермерлик ҳаракати ривожланишининг иккинчи босқичи бошланди. Янги қонунга мувофиқ, фермер хўжалиги хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик, деб эътироф этилди. Шунингдек, фермер хўжалигига товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун ер участкасини ижарага бериш муддати 10 йилдан 30 йилгача қилиб белгиланди.

Янги қабул қилинган қонун меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш республикада фермерлик ҳаракати ривожини янги поғонага кўтарди. Натижада, 2003 йилнинг охирига келиб республикада фермер хўжаликларининг сони 85,5 мингтага етди. Улар учун узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонлари 2 млн. 238,6 минг гектарни ташкил қилади. Фермер хўжаликларида банд бўлган аҳолининг сони 598 минг кишини ташкил қилади. Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳам ўсди. Республика бўйича галла етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши 2002 йилда 27,2 фоиздан 2003 йилда 36,0 фоизгача, пахта етиштириш эса 28,7 фоиздан 37,8 фоизгача ошди. 2002 йилда фермер хўжаликларида бир ишчига нисбатан белгилаганда 660,8 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди, бу ширкат хўжаликларидаги ана шундай кўрсаткичга қараганда 12,2 фоизга кўп бўлди.

Республикада фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги тўпланган ижобий натижаларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида"-ги Фармонида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришнинг муҳим шартлари белгилаб берилди. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Янги фермер хўжаликлари ҳукумат қарори билан асосан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва ис-

тиқболсиз ширкат хўжаликларининг негизида ташкил этилади;

2. Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш 10 йилдан 30 йилгача эмас, балки 30 йилдан 50 йилга деб белгиланади ва ҳукумат қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, танлов асосида амалга оширилади;

3. Ер участкалари фермерга ерни ижара муддати мобайнида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан берилади;

4. Фермер хўжаликлари маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар билан шартномаларни мустақил равишда тўғридан-тўғри тузади;

5. Фермер хўжаликлари экинларни ўз ер участкаларига маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган ташкилотлар билан тузилган шартномалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда жойлаштиради, ишлаб чиқарилган маҳсулотни, молиявий ва бошқа ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади.

Буларнинг барчаси нафақат фермер хўжаликларининг фаолиятини, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасини эркинлаштиришдаги йирик қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони 2003 йил 24 мартдаги Фармоннинг мантиқий давоми ҳисобланади. Унда фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур фармонда, биринчидан, фермер хўжаликларига тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақилликни таъминлайдиган, шунингдек, фермерни унга узоқ муддатли ижарага берилган ердан самарали фойдаланишга ундовчи ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиш; иккинчидан, фермерлар томо-

нидан молиялашнинг ишончли тизимини шакллантириш вазифаси ҳал этилган.

Бугунги кун нуқтаи назаридан бундай шарт-шароитлар ва кафолатларнинг яратилиши "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг қоидалари ва меъёрларини амалга оширишбўйича қўшимча қадам ҳисобланади. Шу муносабат билан, мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бундай ўзгартиришлар, биринчи галда, фермер хўжаликларининг банк муассасалари билан ўзаро муносабатларида бозор механизмига ўтиш принципларини белгилаб берди. Буларнинг барчаси фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи ишончли кафолатларни яратади ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича қўйилган талабларнинг бажарилишига йўл очиб беради.

Фармонда, шунингдек, фермер хўжаликлари учун кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш кўзда тутилган. Бу йўналишда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун республика минтақаларида фермерларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғи ташкил этилмоқда. Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг фармонда белгилаб берилган асосий йўналишларидан бири қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларини қондирадиган ҳажмдаги хизматларни кўрсатишга қодир бўлган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун республикада 2006 йилгача бўлган даврда қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг комплекс дастури ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг мазкур фармонида фермер хўжа-

ликларини текшириш шартлари кўзда тутилган. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки "Ер тўғрисидаги қонун" хужжатларининг бузилиш ҳоллари аниқланганда, шунингдек, белгиланган тартибда ер солиғи тўланмаган ҳолларда фермер хўжаликларини текширишга рухсат этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган фармонларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Ҳукуматнинг иккала қарори ҳам Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга бевосита дахлдордир. 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорга мувофиқ, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда 2004-2006 йилларда 1020 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини янги фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари мужассам бўлган дастурлар тасдиқланди. Бундан ташқари, мазкур қарор асосида 2004-2006 йилларда 954 та муқобил МТП, 925 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 889 та ЁММ сотиш шохобчаси, 348 та ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситаларини сотиш шохобчаси, 701 банк филиали, 549 та маҳсулот тайёрлаш пункти, 216 та маҳсулдор қорамолларни сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш пункти ҳамда 160 та ахборот билан таъминлаш ва консалтинг хизмати пункти ташкил этилади.

Қарорда, шунингдек, фермер хўжалигининг намунавий устави, ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида низом, ер

ижараси, ходимларни ёллаш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш учун контрактация тўғрисидаги намунавий шартномалар тасдиқланди.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг ўрни сезиларли даражада ўзгарди. Уларни фаолият юритиши ширкат хўжаликларига нисбатан самарали эканлиги исботланмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрда "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 607-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга биноан зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз 1110 та ширкат хўжаликлари 2005-2007 йиллар мобайнида босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантирилади. Янги ташкил этиладиган фермерларга агротехник ва зооветеринария хизматларини кўрсатиш, уларга зарур моддий ресурслар етказиб бериш ва ахборотлар билан таъминлаш учун жами 4582 та инфратузилма, шу жумладан, 2316 та бозор инфратузилмаси муассасалари ташкил этилади.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялашнинг устувор вазифаларига бағишланган маърузасида ширкат хўжаликларини қайта ташкил этишнинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастури ижросини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлаб, қуйидагиларни белгилаб берди:

— ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши;

— бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш;

— фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш;

— фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш;

— энг муҳими — барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатиш.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари аграр соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, деҳқонларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади, қишлоқда фермерлик ҳаракати ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатларни яратади. Бу ишларнинг барчаси пировардида қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ва *хом ашё ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини* таъминлаш билан бирга фермер хўжаликлари даромадини оширади.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида нафақат жамиятнинг миллий ва маънавий салоҳиятини оширишга кўмаклашади балки миллий бойликни кўпайтириш, иқтисодиётни жаҳон тизимига уйғунлашувини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 50-бет.

2. Ўша асар, 70-71-бетлар.

3. Ўша асар, 82-бет.

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

Хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш ва хусусий мулк миқёсини кенгайтириш..... 4

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш ва маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш..... 9

Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш.....18

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Akademiya
Тошкент 2005

Муҳаррир Б. Умаров
Мусаҳҳиҳ М. Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Қурбонова
Нашр учун масъул Б.Умаров

Теришга берилди 4.08.05. Босишга рухсат этилди 8.08.05. Бичими 84x108¹/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 2,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 2,0. Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Ma'rifat-Print»МЧЖ, Тошкент ш., Сўгал ота кўчаси. 7а.